Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 58 (4753).
12 МАРТ 1982 й
ЖУМА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ХАФТАЛИК

Барча резервлар — ишлаб чиқаришга

Саноат хроникаси

ИБРАТЛИ МЕҲНАТ

БУГУН

Пойтахтимиздаги шина ремонти заводининг илғор пресловчиси У. Муқимжонов йилнинг охирги квартали ҳисобига меҳнат қила бошлади. Меҳнат жонкуяри буюк мамлакатимизнинг 60 йиллик муборак юбилейи кунига қадар келаси йилнинг планини ҳам бажариш мажбуриятини олган. Айни пайтда корхона коллективи СССР 60 йиллигига бағишланган зарбдор вахтада қизғин иштирок этмоқда.

Беш йилликнинг биринчи йилини юксак кўрсаткичлар билан якунлаган завод коллективининг бу йилги режалари ҳам катта. Улар йил охирига қадар 4 минг донадан ортиқ автомобиль шинасини ремонт қилиб бериш бел боғлашган. Биринчи кунда бу юбилей шарафига ишлаб чиқилган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида меҳнат қилаётган коллектив январь — февраль ойлари планга топширинчаларини муддатидан олдин ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. Корхонада юксак унумдорликка эришишда меҳнатни ташкил қилиш ҳамда кам ишчи кучи сарфлаб кўп иш бажариш натижасида эришилмоқда.

Бу ерда кўплаб фидокорлар ва коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳнат қилади. Айниқса, С. Тўлаганова, А. Ибрагимов, М. Нуриддинова ва Р. Давлатов сингари ишчилар эришаётган муваффақиятлари ибратли бўлмоқда. Бу йигитлар корхона бўйича беш йилликни уч йилда бажариш учун курашишмоқда. Уларнинг издошлари эса 50 кишини ташкил этади.



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида нўлпаб ветеранлар меҳнат қилишади. Мураббийлар ва тажрибали мастерлар тикувчиларга касб сирларини ўргатишмоқда. Ана шундай тажрибали мастерлардан бири Жамила Давронованинг фотосурати ҳам тезлашди. Ш. Руставели кўчасидаги ирригация тармоғи тартибга келтирилди. Райондаги ташкилотлар ва корхоналарнинг ёрдамида транспортларнинг олтита замонавий бекатлари бунёд этилди. Лойиҳа ташкилотлари жамоатчилик асосида кўпгина кўчаларнинг чиройини ўзгартириш юзасидан лойиҳаларни тайёрлашга киришдилар.

СУРАТДА: Ж. Давронова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

БОЛГАРИЯ УЧУН МАҲСУЛОТ

«Средазэлектро а парат» бирлашмасида Болгария Халқ Республикасига жўнатиш учун паст вольтли аппаратураларнинг янги туркуми тахт қилиб қўйилди. Болгария — корхонанинг доимий буюртмачиларидан саналади. Бирлашманинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаси ҳам йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ерда социалистик мамлакатлардан ташқари ўнлаб ривожланган капиталистик мамлакатларнинг буюртмалари ҳам мунтазам ўз вақтида бажарилмоқда.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашаётган корхона коллективи маҳсулот экспорт қилиш планини муддатидан илгари бажариш учун мавжуд имкониятларни ишга солмоқда. Аввалам бор экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг юксак сифатлилигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Шу кунларда эса корхонада СССР 60 йиллигига бағишланган зарбдор ҳафталик учун курашаётган коллектив ғалаба сари ишончли қадам ташламоқда.

ШТАБ МАЖЛИСИ

Ленинча коммунистик шанбаликка тайёргарлик бўйича шаҳар штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари штабнинг иш планини кўриб чиқдилар. Москва шаҳри меҳнаткашлари ва Тошкентдаги қатор коллективларнинг ватанпарварлик ташаббуси Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективларида тобора кенг қўллаб-қувватланаётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга жойларда шанбаликка тайёргарлик бўйича штабларнинг фаолиятини активлаштириш, шаҳар корхона ва ташкилотлари коллективларида агитация ҳамда ташкилотчилик ишларини кучайтириш лозимлигига эътибор жалб этилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов март ойининг ўрталарида расмий визит билан Ҳиндистонга боради.

Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвистонинг Совет Иттифоқига қилган амалий визити якунларига доир Совет — Финляндия қўшма ахбороти эълон қилинган.

«Бир маромда ишлайлик» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

Пойтахт қурилишларида

Янги АТС қад кўтаряпти

Пойтахтимизда телефон алоқаси хизматини янада яхшилаш мақсадида кўплаб янги замонавий автомат телефон станцияларининг қурилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу беш йилликда шаҳарнинг деярли барча, турар жой массивларида қудратли автомат телефон станциялари қуриб ишга туширш кўзда тутилган. Уларнинг бири шу кунларда А. Икромов районидаги Октябрь массивида қад ростламоқда.

Янги АТС қурилишини «Ўзэрмсвязстрой» трестига қарашли Тошкентдаги ихтисослаштирилган ремонт қурилиш бошқармаси бунёдкорлари олиб боришмоқда.

— Янги АТС биносини шу йилнинг октябрь ойида ишга туширш мўлжалланган,— дейди қурилиш участкаси прораби В. Журавлёв. Ҳозир объектни ана шу муддатда ишга туширилишини таъминлаш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. АТС қурилишида бунёдкорлик ишларини В. Рудий бошлиқ бригада коллективи амалга оширмоқда. Бригаданинг 15 кишилик коллективи ой сайин яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритяпти. Улар юксак унум билан иш бажариш билан бирга барча иш жараёнини сифатли бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Бешқайрағоч массивида бу йил ишга туширилаётган ушбу янги АТС район аҳолисига телефон хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, корхоналар, муассасалар ҳамда бу ерда истиқомат қилаётган телефон тармоқларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

М. АКРАМОВА.

Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз

Шаҳар ободончиларининг Тошкент аҳолисига МУРОЖААТИ

ҚАДРЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг гўзал ва ҳар томонлама обод шаҳарларидан бирига айланган жонажон шаҳримиз йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Унинг марказини тақрорламас даражадаги архитектура ансамбллари безаб турибди. Шаҳар атрофида янги уй-жой кварталлари қад кўтармоқда. Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонларини бульварлар, хиёбонлар янада гўзаллаштириб турибди. Қуёшли Ўзбекистон пойтахтининг яшил бойлиги ҳар баҳорда яна кўпаймоқда. Фақатгина ўтган йили шаҳарнинг магистрал кўчалари ва хиёбонларини уч миллион тупдан кўпроқ янги кўчатлар безади. Шаҳарнинг турар жой кварталлари, кўчалари ва боғлари ҳам кўзни қувонтирмоқда, шинам ва озода бўлиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг шаҳримизда уй-жой қурилиши ва ободончилигини янада ривожлантириш бўйича кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги натижасидир. Бу, айни пайтда, кўп сонли ободонлаштирувчилар, бу борада актив иштирок этаётган шаҳар аҳолиси олиб бораётган катта меҳнатнинг меваси ҳамдир.

Бу борада кўпгина ишлар қилинди. Аммо Тошкентни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш учун яна кўп иш қилиш лозим.

Тошкентликларда кўп йиллик яхши анъана бор. Улар ҳар йили баҳор келиши билан ободонлаштириш ишларида актив иштирок этиб, кварталлар, корхона ва ташкилотларнинг территорияларини тартибга келтирадилар. Ўз шаҳарларини янада шинам ва озода ҳолда сақлаш учун кўчалар ва бульварларни кўкаламзорлаштирадилар. Тошкентликлар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўз иш ўринларида зарбдорчасига ишлаш билан бирга жонажон шаҳарларини ободонлаштириш бўйича ҳашарларга катта ғайрат-шижоат билан чиқишмоқда.

Кадрли ўртоқлар!

Биз Сизларни муҳим сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини Тошкентни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида актив иштирок этиш билан кутиб олишга чақирамиз. Ҳар бир меҳнат коллективи, шаҳарнинг ҳар бир аъзоси бу умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Ўзларинг ишлаётган корхона ва ташкилотлар атрофидаги кўчаларни, территорияларни тартибга келтиринг. Майли, сиз истиқомат қилаётган микрорайон, турар жой массивидаги яшил бойликлар яна бир хиёбон, гулзор ва кўкаламзор жойлар билан бойисин.

Бунёдкорона меҳнатингиз билан янги кварталларни барпо этаётган Тошкентлик қурувчилар, Биз сизларга мурожаат қиламиз! Ҳар бир қурилиш майдончаси тозалик ва тартибнинг намунаси, қурилиш ташкилотларининг қиёфасини кўрсатувчи ўзига хос «визит дафтарчаси» бўлсин.

Студентлар ва мактаб ўқувчилари, сизларга мурожаат қиламиз! Агар Тошкентда ўқиётган кўпминг сонли студент ва ўқувчиларнинг ҳар бири биттадан кўчат ўтказиб, уни парваришлаганда Тошкентда янада ажойиб соя-салкин боғзорлар вужудга келган бўларди. Майли, ушбу баҳор айёмида республикамиз пойтахтида янги пионер бульварлари, хиёбон ва гулзорлари вужудга келсин.

Келинглар, шаҳримизнинг тозалиги учун биргаликда курашайлик. Йўл четларига чиқиндилар ташлаётган, ўриндиқлар ва тўсиқларни, ёритгичлар ва чиқинди идишларини бузаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиш муҳитини яратайлик. Бизнинг шаҳримиз — бу биз ҳам яшаб, ҳам яшаётган уйимиздир. Шунинг учун ҳам у шинам ва тоза бўлмоғи керак.

Биз тошкентлик ободончилар ишчи ва хизматчилар, студентлар ва ўқувчилар, шаҳримизнинг барча аҳолисини умумшаҳар ҳашарида актив иштирок этишга чақирамиз. Умумий куч-ғайратимиз билан Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантирайлик. Тез орада бир икки минг йиллигини нишонлайдиган шаҳримиз ўз юбилейини янада гўзал, янада обод қиёфада кутиб олсин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ЮБИЛЕЙГА ТАРАДДУД — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Фрунзе районида белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида сўз борди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов олиб борди.

Комплекс қурилиш чоғида Бошлиқ микрорайонининг чиройи тубдан ўзгаради. Фақат шу йилнинг ўзида Физкультура, Б. Хмельницкий, Сапёрная, Баранов, Артиллерия, Абдуллаев, Школьная, Хлопковая, Грузовая кўчаларида 60 минг квадрат метрдан ортиқ турар жойларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Ана шу ишлар билан бир қаторда умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари кенгайтирилади, абразив комбинати ва 1-темир—бетон буюмлари заводида кулинария магазинлари очилади. Кўпгина савдо ва овқатланиш заллари интерьерлари янгиланди.

«Бинолар ва турар жойларнинг ташқи томонларини пардозлаш, йўлларни ремонт қилиш, кўкаламзорлаштириш бўйича ишлар суръати ҳам тезлашди. Ш. Руставели кўчасидаги ирригация тармоғи тартибга келтирилди. Райондаги ташкилотлар ва корхоналарнинг ёрдамида транспортларнинг олтита замонавий бекатлари бунёд этилди. Лойиҳа ташкилотлари жамоатчилик асосида кўпгина кўчаларнинг чиройини ўзгартириш юзасидан лойиҳаларни тайёрлашга киришдилар.

Бироқ 1981 йилга мўлжалланган айрим тадбирлар бажарилмай қолди. Жумладан, турар жой қурилишига мўлжалланган капитал маблағнинг бор-йўғи 64 проценти ўзлаштирилди, холос. Бу борадаги қолоқлик бу йил ҳам кўзга ташланмоқда. Г. Лопатин, Сапёрная кўчалари, Космонавтлар проспектидаги турар жойлар ўз вақтида топширилмади. 480 ўринли болалар боғчасини фойдаланишга топшириш муддатлари орқага сурилмоқда. Саломнинг янги оқимигача бўлган жойларда, Марказий бозорга яқин жойларда планлаштириш ва дарахт ўтказиш ишлари олиб борилмаётир. Районда коникарсиз ҳолатдаги бир қанча кўчалар, ирригация тармоқлари мавжуд. Бундай нуқсонларнинг бўлишига сабаб шуки, айрим корхоналар, ташкилотларда тузилган тадбирлар конкрет эмас. Микрорайонларни намунали ҳолга келтириш учун курашга аҳолининг ўзи қўшилмаган.

Шаҳар комиссиясининг аъзолари турар жой массивларини комплекс равишда куриш ва белгиланган барча тадбирларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш кераклигига асосий эътиборни қаратдилар. Бундан ташқари корхоналар ҳамда ташкилотларнинг маблағ ва кучларини кенг равишда жалб этиш ободончилик ишларини янада юксак савияда олиб бориш имконини беради.

Шаҳар комиссияси мажлисида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Улар бизнинг фахримиз

Октябрь районидаги «Учқун» номли 95-ўрта мактаб республикамиз пойтахтидаги энг биринчи ташкил топган мактаблардан бири ҳисобланади. У 1924 йили октябрь ойидан бошлаб ишлай бошлаган.

Бу давр ичида мактабни минг-минглаб ўқувчилар битириб чиқиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Ўзбек халқининг машҳур бастакори, академик Юнус Ражабий, шоир Мақсуд Шайхзода, ёзувчи Абдулла Қодирий ҳамда Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, академик Восил Қобулов каби олим ва санъаткорлар ҳаётида бу мактаб муҳим роль ўйнади. Уларнинг айримлари ўз меҳнат фаолиятларини шу мактабда мураббийлик қилишдан бошлаган бўлсалар, баъзилари шу мактабнинг талабалари бўлишган эди.

— Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи арафасида,— дейди мактаб директори Ҳалима Абдуллаева, — мактаб пештоқига бу арбобларнинг барельефи ўрнатилиб, номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Ўқувчилар кучи билан махсус альбомлар тайёрланиб, бурчак— музейлар ташкил этилади.

С. ГАФУРОВ.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ВАШИНГТОННИНГ ТЕЛБАНАМО СТРАТЕГЛАРИ

Вашингтондан хабар қилишларича, Р. Рейган маъмурияти Жанубий Африка Республикаси иркчи режими билан шусиз ҳам рамзий равишдагина «чекланган» савдо-сотиқ қилишни янада юмшатиб, бу мамлакат ҳукумати кучлари ва полициясини Америкада ишлаб чиқарилган ва энг янги электрон-техника ҳамда алока воситалари билан таъминланган ускуналарга эга бўлиши учун эшикларни кенг очиб қўйди. «Вашингтон пост» газетасининг таъкидлашича, бу нарса «маъмурият Жанубий Африка Республикаси билан янада яқинроқ алоқада бўлишга интилаётганлигини» билдиради. Америка пойтахтида Оқ уйдагилар бу чора претория африкаликлар ўз аҳолисига қарши террор ва қўшни мамлакатларга қарши агрессив сиёсат ўтказиб келаётган иркчиларнинг бевосита қўллаб-қувватланиши деб қабул қилинишини яширимаяптилар.

Тўғрисини айтганда, Оқ уйнинг бу қарори кўпдан кутилаётган нарса эди. Зотан, унинг ҳозирги хўжайини ҳокимият тепасига келиши биланоқ, Жанубий Африка Республикасини «дўст ва иттифоқ давлат» деб билиши тўғрисида жар солди, АҚШ бу давлат билан «амалий ҳамкорлик» сиёсати тўхтазаверишини таъкидлади.

Бундай «амалий ҳамкорлик»нинг нима эканлиги бутун дунёга яхши маълумдир. АҚШ ўз иттифоқчисининг Анголага, Мозамбик, Замбия ва Африкадаги бошқа давлатларга нисбатан кўпол-агрессив ҳаракатларини ҳар томонлама рағбатлантириб ва қўллаб-қувватлаб, БМТнинг ҳаддидан ошаётган агрессорни жиловлаб қўйиш юзасидан таъсирчан тадбирлар белгилашига тўсқинлик қилмоқда. Вашингтон Жанубий Атлантикада НАТОнинг филиали — САТО ҳарбий блокини тузишга уринмоқда. Жанубий Африка Республикаси бу блокда асосий ролни бажариши керак. АҚШнинг шундай йўл тутаётганлиги очиқ-ойдин Намибия проблемаси ҳамон ҳал қилинмай, ана шу мамлакат халқи жанубий африкаликлар боскинчилар зулми остида азоб чекмоқда.

Бу сиёсатнинг мақсади нима? Яқинда давлат секретари А. Хейг ҳар қандай дипломатик никобларни четга йиғиштириб қўйиб, Америка маъмурияти ўтказаётган бу йўлнинг моҳиятини бутун дунёга ошкор қилди-қўйди. У АҚШнинг «халқаро раҳбарликни амалга ошириш кераклиги» ва «Америка идеалларига қулай-халқаро структура» ни вужудга келтириш тўғрисидаги даъволарини эълон қилиб, Африкадаги америкача буйруқбозликка бўйсуниш ва унинг идеалларини амалга оширишни истаётган мамлакатлар ва маломат тошларини ёғдирди. Жаноб Хейг АҚШ ана шу мамлакатлар ва халқларни ўзига хос «ёмон» ва «яхши» ларга ажратаётганини, ўзи ва унинг ҳамфикрларининг ўзларини «ахлоқ посбонлари» деб ҳисоблаётганини ошкора тан олди.

Шундай қилиб, Вашингтон ўзининг ҳар қандай давлатни ўзига бўйсундиришга қаратилган ҳукмронлик даъволарини ҳеч қандай ниқобга ўрамаётганини, ўзининг ҳар қандай давлатнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқини ўзига олаётганини ошкора намойиш этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, АҚШнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада пасайтиришга хизмат қилмоқда.

А. Хейг ўзининг очиқдан-очиқ эълон қилган бу «кашфиётлари»ни айтиб улгурмасданоқ, ана шу каллакесар тўпаларнинг бошлиғи Савимбия яширин равишда претория билан Вашингтонга келиб кетди ва иркчилар давлатининг бош министри П. Бота ва унинг мудофаа министри билан Анголага қарши янги кўпорувчилик операциялари планининг тафсилотларини «келишиб» олди.

Шундай қилиб, буюк давлат империячилиги жазосига тушиб қолган Вашингтон претория иркчилар билан биргаликда янги, мустақил Африка учун йўлни «ёпиб» қўйишни орзу қилмоқда. Бироқ Оқ уйдик телбанамо стратеглар календарга бир назар ташлаб, дунё XIX аср эмас, балки XX асрнинг сўнгги чорагига қадам қўйганлигини, империалистик буйруқбозлик ва зўравонликлар даври аллақачонок ўтиб кетганлигини билиб олсалар ёмон бўлмас эди.

Б. ШАБАЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

Республикамиз пойтахтида

Кеча

«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трести 40-қурилиш бошқармасининг ўрни Эшезов бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси Юнусободнинг СВ—1 массивида навбатдаги беш қаватдан иборат 40 квартирали уйни партсъездчиларга топширди. Бригадада 16 киши бўлиб, уларнинг ҳар бири бир нечтадан тугдош касбларни эгаллаган. Злобин методи бўйича меҳнат қилаётган бригада кундалик иш нормасини 20-25 процент ортиғи билан ado этяпти. Ахил коллектив зарбдор меҳнатини СССРнинг 60 йиллигига бағишламоқда.

Бригада аъзолари 40-қурилиш бошқармасида биринчи бўлиб москваликларнинг 17 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини маъқулладилар. Шу кунги иш ҳақини ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилишди.

●

Давлат стандарти Ўзбекистон республика бошқармаси янги озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг техник шарт-шароитларини кайд этди. Жумладан, бу йил оқ карамдан тайёрланадиган консерваларнинг ассортименти бирмунча кенгаяди. Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг бир қатор корхоналари карамдан уч хил — туаланган, ширтахали ва калампирли консерваларни ишлаб чиқара бошлайди. Ширтахали консерва, масалан, янги оқ карам, саримсоқ пиёз, қўқатлар ва аччиқ қалампир, ўсимлик ёғи қўшиб тайёрланади ҳамда унга ўксусли шўр қоришма қуйилади.

●

К. Эшчоновнинг «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати ва унинг социал-иқтисодий аҳамияти» янги китоби савдога чиқарилди.

Асар муаллифи Ўзбекистон экономикаси масалаларини яхши ўрганган. Жуда кўп фактик материаллар, чуқур илмий умумлашмалар бу асарнинг қимматини янада оширади.

Бугун

«Сен билан» — ана шундай деб номланган қаттиқ духиларни Тошкент атир-упа фабрикаси кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

Ушбу концентрацияланган духи терига муаттар хид бериш учун мўлжалланган бўлиб, ундан фойдаланиш жуда осон. Бундай духилар яхши безатилган, манзарали пластмасса флоконларда ишлаб чиқарилади.

Шу йилнинг иккинчи ярмида магазинларнинг пештахталарида янги лаб бўёғи ва пардоз қалами пайдо бўлади. Улар манзарали косметиканинг янги модадаги воситаси бўлиб, янги лаб бўёғи лабга нозик гул рангини бериш билан бирга уни юмшатади, лаб қуришининг олдини олади.

Пардоз қалами теринг айрим камчиликларини яширишга ёрдам беради.

Ушбу янгиликлар Бутуниттифоқ суғурий ва табиий ҳушбўй моддалар илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган.

Тошкент атир-упа фабрикаси юздан зиёд номда маҳсулот тайёрламоқда. Уларнинг 35 хили ўтган беш йиллик давомида ўзлаштирилди. Янги маҳсулотлар орасида хушбўй упа, крем, лаб бўёғи, духи, одеколон, яна тозалайдиган пасталар ва бошқа маҳсулотлар бор. Маҳсулотларни чиройли безаш ва жойлаштириш харидорларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бу маҳсулотларни харидорлар иштиёқ билан сотиб олишяпти.

●

касаба союзларининг XVII съездига бағишланган «Тинчлик, Меҳнат, Коммунизм» виставкасининг экспонатлари Москвага, Бутуниттифоқ кўригига жўнатилди. Бу катта экспозиция ҳаваскор халқ усталарининг асарларидан ташкил топган бўлиб бошқа иттифоқдош республикалари усталарининг асарлари билан бирга мамлакатимиз пойтахтидаги Марказий виставка залига қўйилади.

...Ўзбекистон касаба союзларининг XII съездига бағишланган ҳаваскор рассомлар ва халқ амалий санъат усталарининг «Тинчлик, Меҳнат, Коммунизм» республика виставкаси бир ойдан кўпроқ давом этди. Республикамиздаги барча миллат ва элатларнинг вакиллари бўлган 270 дан зиёд киши Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида ўз асарларини намойиш қилишди. Уларнинг орасида тасвирий санъат, графика ва ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарлари бор эди.

Кўрик вақтида тўқимачилик комбинати, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, темирйўлчилар маданият саройларининг халқ студияси аъзолари юксак маҳоратларя билан кувонтиришди. Рассомларнинг асарларида партия, дўстлик, совет халқларининг биродарлиги, мамлакатимизнинг жонговар ўтмиши ва шу кунги ҳаёти куйланди. Айниқса, меҳнат мавзуига алоҳида аҳамият берилган.

●

Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган 3 хил спорт сумкаси. 3 хил туристларнинг қоплари, сатиндан тайёрланган дўппи давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтди. Сумкалар сунъий чармдан, туристларнинг қоплари эса махсус материаллардан тайёрланган. Бу ерда ҳозир 80 хилдан зиёд махсулот тайёрланмоқда. Уларнинг кўплари давлат Сифат белгиси билан чиқариляпти. Юқори категорияда тайёрланаётган маҳсулот ялпи маҳсулот ҳажмининг 16,5 процентини ташкил этади.

Эртага

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросидан йўлланма олган ҳамшаҳарларимиз мамлакатимизнинг турли шаҳарларга бўйлаб саёҳатга чиқадилар.

Тошкентликлар Сочи ва Кисловодск шаҳарларига самолётда учиб кетишади. Бир группа туристлар ҳаво лайнерларида Ленинград ва Вильнюс, Гагра ва Ессентуки шаҳарларига боришади. Бюро фақат март-май ойларида 30 маршрут бўйича саёҳат уюштиришни планлаштирган. «Тинч-Дон», «Тожикистон» теплоходларида сейр қилиш шулар жумласидан.

●

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият ва техника саройида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг дам олиш оқшоми ўтказилади. Шаҳримиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлган бу бирлашма икки шонли санаси — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ва бирлашманинг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг раҳбарлари меҳнат коллективларида, аҳоли турар жойларида, корхоналарда тарбиявий, оммавий-маданий ишларнинг ташкил қилинади, янги концерт программалари ҳақида сўзлаб берадилар.

Эртага бу ердаги дискотекада мамлакатимиз шаҳарларига бағишланган темати ка кеча ўтказилади. Пиндилгандлар Москва, Ленинград ва Киев шаҳарлари бўйлаб «саёҳат» қиладилар.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

Тошкент оқшомига

• Агар байрам куни ишласангиз... • Қорақамиш массиви аҳолисига • Медицина хизмати кўрсатишдаги нуқсонлари учун • Чиқиндилар уюлишига сабаб нима?

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ТАКРОРИЙ ВА КОЛЛЕКТИВ ШИКОЯТЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБЛАР АНИҚЛАНИБ, УЛАРГА ХОТИМА БЕРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнат кашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қароридан).

Ҳовли жойи бўлган кишилардан, шунингдек уйини ижарага қўйган кишилардан қандай тартибда солиқ олинади? Газетангизда шу ҳақда маълумот бераангиз.

А. ВАФОЕВ, С. КАРИМОВ, «Средазкабель» бирлашмаси ишчилари.

ДАРОМАД ВА ИМОРАТ СОЛИҒИ

Ф. ЮСУПАЛИХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳар молия бўлими давлат даромадлари бўлими бошлиғи.

— СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан асосий ишлаб турган жойидан ташқари, шунингдек бирор корхона ёки ташкилотда ёнламай ишламасдан аҳолига тегишли қонунлар билан чекланмаган хизматлар кўрсатадиган, ҳоналарини ижарага топшириб, даромад қиладиган граждан молия органлари томонидан ҳисобга олинадилар ва уларга солиқ солинади. Ана шу Фармонларга биноан солиқ ҳисоблаш юзасидан бир қанча ихтиёрлар белгиланган.

Масалан, пойафзал ремонти билан шуғулланувчи гражданларнинг бир йиллик даромади 720 сўмдан ошмаса, солиқ тўлашдан тўла озод этиладилар. Агар даромади 721 сўмдан 3000 сўмгача бўлса, солиқ ишчи ва хизматчиларнинг маошидан ҳисобланадиган ставкада олинади. Ҳоналарини ижарага берадиганларнинг бир йиллик даромади 300 сўмдан ошмаса солиқ олинмайди. Улуғ Ватан уруши инвалидлари, даромадларининг умумий миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, даромад солиғи тўлашдан тўлиқ озод этилганлар. Уруш қатнашчилари эса 50 процент миқдорида солиқ тўлайдилар.

Шаҳарда яшовчи ишчи ва хизматчиларнинг фойдаланиб турган ер майдони 0,15 гектаргача бўлса, даромад солиғи олинмайди. Агар ер майдони 0,15 гектардан ошса, даромад солиғи умумий ер майдони ҳажмидан уйлар, ёрдамчи бинолар, чакалакзорлар, жарликлар, ўрмон жойлар, жамоат фойдаланиб турган йўллар билан банд ерлар чегирилиб, қолган қисмига шаҳар ичида бўлган қишлоқ райони учун белгиланган қишлоқ хўжалиги ставкасида солиқ ҳисобланади.

Шаҳарда шахсий иморатлари бўлган гражданлар иморатларининг ўтган йилги техник инвентаризация бюросини баҳосининг 1 процентни миқдорида иморат солиғи, умумий ер миқдорининг ҳар бир квадрат метрига 1,8 тийиндан ер солиғи тўлайди. Ҳисобланган солиқ суммаси иккига бўлиниб, 15 июнь ва 15 августда тўланади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, солдат, прапорщик, матрос, сержантина, мичман каби ҳарбий хизматда бўлган кишилар ва уларнинг оилалари, уй эгалари пенсионер бўлса иморат ва ер солиғидан озод бўладилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Шуҳрат орденининг уччала даражаси билан тақдирланган гражданлардан иморат ва ер солиғи 50 процентга камайтириб ҳисобланади.

Бизга ҳақ тўлашадими?

Ҳурматли редакция! Байрам куни корхонамизга контейнер келиб қолди. Биз уч нафи маъмурлятнинг илтимосига кўра уни бўшатдик. Аслида шу куни дам олишимиз керак эди. Айтингчи, энди бизга қай тарзда иш ҳақи тўланади?

А. ЖЎРАЕВ ва бошқалар, Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш комбинати ишчилари.

А. ҲАСАНОВ, Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш комбинатининг юрист-консультанти.

— СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1966 йил 8 август қарорида шундай тушунтирилган: агар корхона ишчисининг иш вақти аниқ пул миқдори билан белгиланган бўлса унда байрам кунлари ҳам иш вақтининг ойлик нормасига киради. Байрам кунлари учун қуйидагича ҳақ тўланади:

а). Кунбайчилар бажарилган иш учун белгиланган пул миқдорининг икки ҳисса бараварида ҳақ оладилар.

б). Соат бўйича ёки кун давомида ҳақ тўланадиган ишчилар ҳам соат ёки кунлик ҳисобнинг икки ҳисса бараварида ҳақ олишлари лозим. Раҳбарлар билан келишган тақдирда, агар байрам куни иш вақти нормасига киритилмаган бўлса ва унга ҳақ тўланилса, ишчига иш вақтининг бошқа бир куни ҳисобига дам олиш ҳуқуқи берилади.

Пул билетимни йиртиб ўтказолмадим...

Кун-кеча бозор-ўчар қилаётиб, қўлимга қайтим пайтида ўртасидан қоқ йиртилиб кетган, лекин лейкопластир билан усталик билан ямалган ўн сўмлик пул билети тушиб қолди. Шу куни мен уни ҳеч муомалага кирита олмадим. Ҳамма йиртиқ экан, бошқа пул беринг дейишади. Хўш, уни қаерда алмаштириш мумкин?

Х. СОТИМБОЕВ, Қорақамиш массиви.

Ж. ЭШОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республика Давлат банки конторасининг шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— Тўғри кўпгина пуллар муомалада эскириб, йиртилиб кетади — ўзининг товарайирбошлаш муомала кўринишини, сифатини йўқотади. Сизнинг ўн сўмлик пулингиз шундай бўлган.

Давлат банклари муомаладаги пул билетлари ҳамда металл тангаларнинг соф, сифатли бўлишлиги устидан қатъий ва мунтазам назоратни амалга ошириш билан бирга, уларнинг эскирган, фойдаланишга яроқсиз нуқсонлари бўлганини алмаштириб, эгаларига қайтаришга алоҳида эътибор бермоқда.

Йиртилган, куйган, сиқаланган, кемтик пул билетларини Давлат банкининг ҳар бир муассасаси, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек гражданлардан алмаштириб бериш учун қабул қилиб олиш лозим. Лекин алмаштирилаётган пул билетлари (йиртилган) ҳақиқий бўлишида шубҳа туғдирмаслиги, СССР Давлат банки Правлениеси томонидан берилган қоидаларда айтилган талабларга жавоб бериши керак. Муомалага яроқсиз пулларни алмаштириш ариза орқали амалга оширилади. Агар шикастланган пул ҳақиқийлигига шубҳа туғдирса, у экспертиза орқали аниқланади.

РЕДАКЦИЯДАН: Бундай хатлар редакциямизга кўплаб келган. Афтидан, кўпчилик гражданлар ўз пул жамғармаларини ёмон аҳволда сақлайдилар, пулга «қўпол муомала»да бўладилар.

Бундай кўнгилсиз ҳоллар бўлмаслиги учун гражданлар ўз жамғармаларини Давлат банкларида ҳеч қандай хавф-хатарсиз сақлашлари мумкин. Кундалик муомалада эса уларга махсус ҳамёнлардан фойдаланишларини, пулга нисбатан «маданиятли» ёндошишларини тавсия этамиз.



Бу лобар қизни чевар дейишади. Негаки, у Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи филиалида ишлайди. Мана, уч йилдан буён тикувчи-мотористка сифатида коллектив ҳурматини қозониб келяпти. У бир неча жараёнларни бажара олади. Шу кунларда моҳир чевар юбилей йилида ўз зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятини муваффақиятли адо этиш учун ҳар бир иш дақиқасининг қадрига етиб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: М. Жўраева. Х. Мирзакаримов фотоси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ!

Қаттиқ огоҳлантирилди

Бахтсиз ҳодисага учраб инвалид бўлиб қолганман ва бир неча йилдан буён уйдан кўчага чиқолмайман. Газета ва журналларни ўқиш билан ўзимни овутаман ва дунё янгиликларидан хабардор бўлиб тураман. Бу йил ҳам «Правда», «Советский спорт», «Тошкентдан гапирамиз» ва кўрсатамиз», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари ва «Фан ва турмуш», «Наука и жизнь», «Вокруг света» журналларига обуна бўлган эдим. Негадир январь ойидан бошлаб газеталарни кам оладиган бўлиб қолдим. Бир куни олсам, бир куни ололмайман, Фев.ралнинг ўрталаригача ҳаммаси бўлиб «Правда»нинг 5 та, «Советский спорт»нинг 5 та сонини олдим холос. Бошқа газеталарни ҳам шу тарзда кам олдим. Нега бизга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлими аҳолига қониқарсиз хизмат кўрсатади?

Х. МАҲКАМОВ.

Н. ХЎЖАЕВА, 71-алоқа бўлимининг бошлиғи.

— Бизнинг бўлимимизга 8 та участка қарайди. Бу участкаларга тартиб бўйича 14 почтальон хизмат кўрсатиши лозим. Аммо бизда атиги 8 почтальон бор. Шундай бўлсада, барча участкаларга тўла-тўкис хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Х. Маҳкамовнинг шикоятига келсак, у январь ва февраль ойининг биринчи ярмида обуначиларни кам олганлиги рост. Чунки ўша участкага хизмат кўрсатадиган почтальонимиз А. Пак бу муддат ичида оғриб ишга чиқолмаган эди. Натижада бу участкага навбат билан бошқа почтальонлар вақтинчалик хизмат кўрсатиб туришди. Кейин билсак бу ҳонадон дарвозасига газета ва журналлар ташланадиган махсус почта ящиги йўқ экан. Борган ходимларимиз газеталарни шундоқ дарвоза ёнига қўйиб кетишлари туфайли газетанинг йўқолиши ҳоллари ҳам юз берган экан. Почтальон А. Пак эса газеталарни жаҳон прогрессатиёрлари» чор ҳолдалигининг газеталарни уйидан топшириш кетидан у бизни ҳадор қилмаганлиги ралнинг иккинчи мидан бошлаб А. Пакамов обуначиларини ишга чиқди. Ҳ. М вақтида олляпти.

А. КАЛЬЧЕНКО, Октябрь район алоқа узелининг бошлиғи.

— Бизнинг районда 23 та алоқа бўлими мавжуд. 71-алоқа бўлими энг йирик бўлимлардан ҳисобланади. Аҳолига 240 нафар ходимимиз хизмат кўрсатади. Хизматчиларимизнинг камлиги сабабли баъзан ноқулай вазиятлар туғилиб қолади. Биз буни доимо бартараф этиб, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини тобора яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз.

Х. Маҳкамовнинг шикоятини кўриб чиқдик. Барча фактлар тўла тасдиқланди. Ходимимиз А. Пакнинг бетоблиги туфайли у барча обуначиларни вақтида ололмаган. Йигитнинг ҳолидан бу лимдагиларни хабардор қилиб қўймагани учун А. Пак ва ўз ишига совуққонлик билан қарагани учун алоқа бўлими бошлиғи Н. Хўжаевалар қаттиқ огоҳлантирилди.

Ўз вақтида олиб кетилмагач...

Биз истиқомат қиладиган 1, 3, 4-Оқсой кўчаларида, шунингдек Уйғур кўчасидаги баъзибир проездларда чиқиндилар уюлиб ётади. Район «Автодормехбазаси»нинг қониқарсиз хизмат кўрсатаётганлиги оқибатида ана шу ахлат уюмлари кўпайиб, кўчаларимиз ҳуснини бузмоқда. Нега энди ахлат оладиган машиналар бизнинг кўчаларда ҳафтада бир марта бўлса ҳам кўринмайди?

Д. МИРБОБОЕВ, А. АЛИЕВ, С. БОЛТАЕВА ва бошқалар.

Т. ҒУЛОМОВ, Октябрь район «Автодормехбаза»си бошлиғи.

— Аҳолининг редакцияга шикояти ўринли. Чунки бизларги машиналарнинг деярли ҳаммаси эски бўлганлиги учун эримизга олган кўчаларнинг ҳаммасини ҳам ўз вақтида тозалашга улгура олмаяпмиз. Ҳар куни план бўйича 51 та машина линияларга чиқарилади. Лекин ана шу машиналарнинг ҳаммаси ҳам районимиздаги 250 та ташкилот, 100 та болалар боғчаси ва мактаб, 65 та маҳаллалардаги чиқиндиларни олиб кетишга улгурмаётир. Чунки эски машиналарнинг баъзилари тезда бузилиб, гаражга қайтиб келади.

Ҳадемай машиналарни техник кўрикка тайёрлашимиз керак. Лекин бизда машиналарнинг капитал ремонти учун эҳтиёт қисмлар етарли эмас. Линиялардан бузилиб қайтаётган машиналарни тезда ремонт қилиб, яна линияларга чиқаришда анча қийинчиликлар мавжуд. Машина бузилиб, чиқмади деган сўз унинг зимасидаги топшириқ бажарилмади деган гап.

Унга бириктирилган кўча, маҳалла ёки мактабдаги чиқиндилар ана шу алпозда тўпланиб қолмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайки, бизда ги қоида бўйича ўн киши ҳисобидан ўн уч килограмм чиқинди чиқариб ташланиши кераак, ваҳоланки ҳар бир хонадоннинг ўзидан 5—10 челак чиқинди олиб чиқилади. Баъзан кўмир майдали, ҳар хил қурилишдан чиққан ахлатлар олиб чиқилади. Бу бизнинг ишимизни янада мушкуллаштиради.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳамма айбни машиналарнинг эскилигига агдаргандан кўра, бор резервлардан оқилона фойдаланиб, «Автодормехбаза» машиналарининг намунали ишлашини йўлга қўйиш ва назоратни кучайтириш керак. Тартиб-интизом бўлмаган жойда ҳеч қандай иш унумли бўлмайди. Шундай экан биринчи галда корхонадаги тартиб-интизомни йўлга қўйиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ҳақида ўйлаш керак.

ТАШАББУСКОРЛИК КЕРАК.

Биз Қорақамиш массивидаги уйларда истиқомат қиламиз. 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида бундан уч йил муқаддам янги дам олиш зонаси барпо қилишга киришилган эди. Бу боғни жойлашиш ўрни жуда қулай. Шундоқ Қичқириқ канали ёнида. Агарда ана шу боққа арзимаган маблағ сарф қилинса, шаҳримиздаги энг кўркам дам олиш зоналаридан бирига айланарди. Лекин район ободонлаштириш бошқармасидагилар яхши ташаббус кўрсатишмаётир. Бу боғ обод бўладими ёки бўлмайдими?

Т. ҚОДИРОВ, студент.

С. АЗИМОВ, Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.

— Районимизда кўплаб хиёбонлар ташкил этилмоқда. Ана шу кўркам дам олиш жойлари аҳолининг кўнгилли ҳордиқ чиқариш масканига айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам Қорақамиш массивида районимиздаги корхона ва ташкилотлар ва аҳоли ёрдамида ҳашар йўли билан сув бўйида янги дам олиш зонаси барпо қилишга киришилган эди. Бу ерда ҳар йилнинг баҳор ва куз фаслларида бир қанча ободончилик ишлари олиб борилиб, ҳатто қум ҳам олиб келиб сепилди. Лекин бу ердаги иш яхши силжиётгани йўқ. Пишиқ гиштдан қурилган янги ёзги кинотеатр ҳам вочор аҳволда. Бу йилдан бошлаб бу бир ярим гектарли дам олиш зонасида ҳашарчилар ёрдамида жуда кўп ишлар амалга оширилади. Асосан болаларнинг дам олишлари учун мўлжалланган бу боғда ҳар хил аттракционлар ўрнатилади. Келажакда бу боғ Тансиқбоев, Қорақамиш массиви аҳолисининг энг яхши дам олиш жойидан бирига айланади.

• Халқ соғлиғи — юрт бойлиги

БЕМОРЛАР НЕГА РАНЖИШЯПТИ?

Мен Шифокорлар шаҳарчасида истиқомат қилувчи бир группа аҳоли шикоятини сизларга етказмоқчиман. Шаҳарчага жойлашган 34-поликлиниканинг баъзи ходимлари ўзларининг юксак бурчларини унутиб қўймоқдалар. Дўст ачитиб гапиради дегандек, биз газета орқали уларни бир тартибга чақириб қўйишни бурчимиз деб ҳисобладик.

Биринчи галда врач-терапевт Дилором Ганиевна Нажимова тўғрисида гапирмоқчимиз. Бу киши олдин врачлик консультацион комиссияси раиси бўлиб ишлаган. Ҳозир эса врач-терапевт бўлиб ишламоқда. Унинг баъзи ишлари кишини ранжитади. Сора Ўразаева исмли бемор оғир аҳволга тушиб қолганига айнан шу Д. Нажимова сабаб бўлди. Ундаги грипини ўтказиб юборган. Ира Хайруллина исмли бемор ҳам худди ана шу аҳволга тушган. Натижада бу беморлар оғир аҳволда касалхонага келтирилган.

Ларисса Якушева ҳам бетоб бўлганида Д. Нажимова уни яхши даволамаган. Хўш, бунинг сабаби нимада? Врачнинг малакаси етишмайдими ёки бошқа бирон сабаби борми? Аҳоли шикоятини оққа кўчирувчи:

Р. ТЕМИРОВА.

Л. РЕЙМ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Оқшомхоннинг редакцияга йўллаган шикоят хати юзасидан махсус комиссия тузилди. У Шифокорлар шаҳарчасига жойлашган 34-поликлиникадаги аҳволни чуқур ва атрофлича текширди.

Текширишдан шу нарса маълум бўлдики, хатда келтирилган баъзи фактлар тўғри. Масалан, бу ерда медицина ҳужжатларини юритишда қоидалар бузилгани, беморларни касалхонага ётқизиш ва физиотерапевтик даволаш учун ордерлар бериш журнали белгиланган қоидадагидек эмас, балки паланпартиш тутилгани, врачлик консультацион комиссия ҳам сифатсиз, кўпинча, юзаки, номигагина иш юритгани ойдин бўлди. Энди врач Д. Нажимова келсак, у амбулаторня карталарига даволовчи врач кундалигини ёзиб келган, ўзбошимчалик билан иш юритган. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш сифати қўйилган талаблар даражасида эмаслиги маълум бўлди. Диспансерлик группаларидаги беморларни аниқлаш даражаси ҳам паст. Беморларни касалхонага ётқизиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уларни врач-мутахассис л а р кўришмас, лабораторня тадқиқотлари олиб борилмас экан.

Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси шикоят хати юзасидан комиссиянинг текширган материалларидан хулоса чиқариб, айбдорларни жазолади. Врач Д. Нажимова беморларни касалхонага ётқизиш ва физиотерапевтик даволаш учун ордерларнинг тўғри берилишини назорат қилишни йўқотади. Синнигр ўн сўмлик пулингиз шундай бўлган.

Давлат банклари муомаладаги пул билетлари ҳамда металл тангаларнинг соф, сифатли бўлишлиги устидан қатъий ва мунтазам назоратни амалга ошириш билан бирга, уларнинг эскирган, фойдаланишга яроқсиз нуқсонлари бўлганини алмаштириб, эгаларига қайтаришга алоҳида эътибор бермоқда.

Йиртилган, куйган, сиқаланган, кемтик пул билетларини Давлат банкининг ҳар бир муассасаси, корхоналар, ташкилотлар, шунингдек гражданлардан алмаштириб бериш учун қабул қилиб олиш лозим. Лекин алмаштирилаётган пул билетлари (йиртилган) ҳақиқий бўлишида шубҳа туғдирмаслиги, СССР Давлат банки Правлениеси томонидан берилган қоидаларда айтилган талабларга жавоб бериши керак. Муомалага яроқсиз пулларни алмаштириш ариза орқали амалга оширилади. Агар шикастланган пул ҳақиқийлигига шубҳа туғдирса, у экспертиза орқали аниқланади.

РЕДАКЦИЯДАН: Бундай хатлар редакциямизга кўплаб келган. Афтидан, кўпчилик гражданлар ўз пул жамғармаларини ёмон аҳволда сақлайдилар, пулга «қўпол муомала»да бўладилар.

Бундай кўнгилсиз ҳоллар бўлмаслиги учун гражданлар ўз жамғармаларини Давлат банкларида ҳеч қандай хавф-хатарсиз сақлашлари мумкин. Кундалик муомалада эса уларга махсус ҳамёнлардан фойдаланишларини, пулга нисбатан «маданиятли» ёндошишларини тавсия этамиз.



Хуршид кўчаси тобора кўркамлашиб бораяпти. Бу ерда янги маъмурий ва маиший бинолар фойдаланишга топширилмоқда.

СУРАТДА: яқинда ишга тушган республика ДОСААФининг янги биноси.

Эски уйимиз бузиладими? Ҳалқа йўличи, қуриладими?

Чорсу майдони реконструкцияси туфайли бу атрофдаги Бешёғоч ва Самарқанд-Дарвоза кўчаларининг бузилиши ҳақида гап-сўзлар юрибди. Биз ҳам шу кўчалардаги эски уйларда истиқомат қиламиз. Оиламиз кўпчилик. Қўшимча уй қурайлик десак, бузилишини эшитиб, кўл бормаяпти. Буни қачондан билса бўлади?

Х. ЗОҲИДОВ, З. ЗОҲИДОВА, Бешёғоч кўчаси, Деҳқон тупиги, 12-уй.

З. ЮНУСОВ, Каттабог кўчаси, Чуқурқўприк тупиги, 4-уй.

Ҳурматли редакция! Тошкентнинг иккинчи катта Ҳалқа йўли қурилармиш, деб эшитдик. Шу ростми?

Б. ОРИПОВ, ишчи.

Н. НУРМАТОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг шаҳар қурилишлари бошқармаси бошлиғи.

— Тўғри. Чорсу майдони қайта ликланяпти. Йигирма уч қаватли «Москва» меҳмонхонаси қурилиши билан бу ерда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бош планга кўра, Самарқанд-дарвоза кўчаси бўйлаб то «Ўзбекистон» кўчаси ҳамда Чорсу ариғи чегараларида «Чорсу» микрорайонини ташкил этиш, бу массивда 5,9 ва 12 қаватли турар жойлар ва бошқа объектлар қуриш мўлжалланган.

Агар Сизлар уйингизни аниқ қачон бузилишини билмоқчи бўлсангизлар, архитектура-планлашти р и ш Бош бошқармасига келиб, ўзингиз истиқомат қилаётган район архитекторидан билишингиз мумкин. «ГлавАПУ» Навоий кўчасидаги 2-«а» уйда жойлашган.

Тошкентнинг иккинчи Ҳалқа йўли масаласига келсак, чиндан ҳам уни қуриш бош планда мўлжалланган. Лекин қачон қурилиши, қаердан ўтиши ҳали тасдикланмаган. Чунки бундай иккинчи катта Ҳалқа йўли бунёд этиш ҳам энига, ҳам бўйига гуркираб ўсаётган она шаҳримизнинг бугунги шароити таназо этади. Дастлабки маълумотларга қараганда, унинг биринчи навбати Тошкент трактор заводи ва Сергели массивларини боғлаб ўтса, ажаб эмас.

2 Тошкент бет оқшоми
12 МАРТ, 1962 й.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАМЗА КУНЛАРИ

Оташин шоирга бағишланади

Шу кунларда серқуёш республикамизнинг маданият масканларида, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, мактаблар ва корхоналарида оташин революционер шоир, инқилоб куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кунлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу баҳор айёмида катта шодиёналар билан ўтаётган Ҳамза кунларн улуғ шоир таваллудининг 93 йиллигига бағишланган.

Ҳамзахонликка бағишланган учрашувлар, адабий кечалар ва илмий конференцияларда шоирнинг ҳаёти ва ижоди, бадиий мероси ҳақида қизиқарли докладлар сўзланмоқда. Унинг ўлмас шеърлари жаранглаб, қуй-қўшиқлари янграмоқда. Драматик асарларидан парчалар намойиш этилмоқда. Ўтаётган шеърхонлик ва қизғин учрашувлар ҳақиқий инқилоб куйчиси, оташин шоирга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатнинг ёрқин рамзидир.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

Ҳамзага

(МОНОЛОГ)

Не тўра, бой, бекни кўрганман чунон,
Керилиб дағдаға қиларди ҳаркез.
Дабдаба саллали қозию эшон —
Ўзларин улуғ деб биларди, шаксиз.
— Дунёда бизлардек азиз йўқ!—дерди,
Чоғларди ўзини жаҳонга ҳоким!
Худойида олий таомлар ерди,
Ўшаларга эди тўйлар инъоми! ...
Уйларди: «Бу олам устунлари биз,
Авлиё, пайғамбар берган ваколат!..»
Ўқирди дуолар зўр очиб оғиз,
Айтарди: «Бизларга боғлиқдир қисмат!..»
Гуё тахтга минган хондек гердайиб,
Бек, тўра, бой баҳсда қилишарди тўй.
Шаҳарлар ҳокимин тез, тез чақириб,
Чўзарди манманлик ва ситамдан бўй!..

Қарғишу паънатга кўмилди барн,
Сарсб янглиғ безиз кетди, йўқолди.
Айланди бир ҳовуч хокка ўзлари,
Гоҳ бирин ясатган гумбази қолди.
На тилга олинар, на бир дилда ёд,
На тарихда бору, на эсга тушар!
Кум босди, унутилди, билмас ҳеч авлод,
Ҳудди тўзиб кетган тўзғоққа ўхшар.
Тириклик маъносин уқмади ҳеч чоғ,
Бўлишди яхшилик, эзгуликка ёв!..
Айлади эл қалбин хаста, яра, доғ,
Улар эди аслн бахт-иқболга гов!..
Ҳаёт истакларин чиппора этди,
Беному бенишон сўнди бутунлай!!
Дарбадар шамолдек келдию кетди,
Ёвуз ҳавас кетидан қувди пайдар-пай!

* * *

Сизни билган эллар қаторн,
Тилимда, дилимда ёддир номингиз!
Сиз совет диёрин сўнмас бир норн,
Ҳамиша оппоқ тонг чўппонидан Сиз.
Инқилоб машъали бўлиб куйингиз —
Порлади ва сузди юртдан-юртларга!
Тонги сабо каби орзу, ўйингиз, —
Малҳам бағишлади беҳад дардларга!
Айтдингиз «Уйғон»ни авжи пардада,
Эшитди, сескандн Уйғнристон ҳам.
Бошланди тебранши Гулжа, Қашқарда,
Сизни дўсту устоз билди ҳар одам.
Ёдландим мактабда ашъорингизни,
Сингарди қалбимга инқилоб нурн.
Ухшатардим алвон ёғдуга Сизни,
Уйғонарди менда кураш шўъри.
Умрбод ихлосу муҳаббат ила
Севиб, дил тўрига олганман Сизни.
Наздимда, сиздингиз оташин чашма,
Англардим яловдор эканингизни!
Исён чақмоғига айландим қиёс,
Қиёсга «Бой ила хизматчи» асос
Ғафур туғёнига ёндошиб жонним,
Ошарди исёнкор руҳим, дармоним.
Шўнғирдим Сиз ёққа ўй, хаёл, фикрим,
Азал баланд бўлгач эҳтиром Сизга.
Қашқардан келдиму Қўқонга бордим,
Мафтун бўлдим туққан диёрингизга!
Жўшиб куйлаяпсиз инқилоб куйин,
Унинг жарангида Октябрь забти!..
Сизда кўрдим чўғли коммунист руҳин,
Ундан даракдир ҳар сатрингиз тафтн!

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг мажлислар залида улуғ революционер шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган Ҳамзахонлик кечаси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Н. С. Мўминов кириш сўзи билан очди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида филология фанлари доктори, профессор Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Лазиз Қаюмов нутқ сўзлади.

Хамзахонлик кечасида Ўзбекистон ССР халқ шоири Туроб Тўла, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳамид Ғулом, таниқли шоир ва ёзувчи Шуҳрат ва бошқалар оташин шоирнинг ўлмас шеърияти, инқилобий мавзудаги қуй-қўшиқлари, драматик асарларининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек Ҳамза ижодининг ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида қатта ҳаяжон билан сўзладилар.

Ҳамзахонлик кечасида шоирнинг шеър ва газаллари, қуй ва қўшиқлари ҳам янгради. В. И. Ленин номли Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юрти студенти Гулнора Рўхсиева ва Адиба Ҳасановалар Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» ашуласини ижро этишди. Институтнинг учинчи курс студенти Мамлакат Қорабоева шоирнинг «Турсуной марсияси» шеърини ўқиб берди. 4-курс студенти Гулнора Зокирова «Майсаранинг иши» комедиясидаги Ойхон арнясини, Файзулла Маъруповв эса Мулладўст ариясини ижро этди. Ҳамза кунларига бағишланган бу Ҳамзахонлик кечаси студент ва ўқувчилардa бой таассурот қолдирди.





Тоғ туризмининг уч муҳлиси биринчи марта қиш шароитида Камчаткадаги Авача вулқонининг қаърига тушишга муваффақ бўлди.

«Авачани Петропавловскда «хонёки вулқон» деб аташади. Бу ибора ёз шароити учун тўғри келади. Ёзда вулқоннинг чўққисига кутарилиш айтарлик қийин эмас. Қишда эса Авачанинг баландлиги 2753 метр бўлган чўққиси чиқиб бўлмайдигандек шаҳарга соя ташлаб туради. Аҳён-аҳёндагина альпинистлар ана шу чўққига кўтариладилар. Аммо қиш шароитида вулқоннинг қаърига тушишга ҳеч ким журъат этолмаган эди. Мана ниҳоят тажрибали туристлар — ёнгиндан муҳофаза ходимлари Владимир Шмелев ва Николай Шовман ТАСС фотомухбири Игорь Вайнштейн билан вулқон қаърига қиш шароитида тушишга муваффақ бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: довюраклар йўлда, Авача вулқони.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯРИМ АВТОМАТ ЛИНИЯ

СОФИЯ. Бу ердаги «Памукотекс» комбинатида ўрнатила бошланган ва ип-газлама тўқиш қирқимларини қайта ишлайдиган янги ярим автомат линия ҳар йили кўплаб хом ашё тежайди. Янги линия эски ускуналарга нисбатан икки баравар кўп хом ашёни қайта ишлай олади. Уни ишлатадиган ишчилар сони ҳам икки баравар камаяди. Махсус ускуна ёрдамида чангни ютиб цехдаги ҳавони муайян температурада сақлайди. Бу ерда ҳамма хил чиқитлардан бир йилда 2700 тонна калава ип олинади. Ундан безак газлама ва уй-рўзғор газламалари тўқилади.

Заводга фахрий Қизил байроқ

БЕРЛИН. Бу ердаги электрон техника ишлаб чиқарувчи заводга ГДР Министрлар Совети ва Эркин немис касаба союзлари бирлашмасининг фахрий Қизил байроғи супрункасига иккинчи марта топширилди. Шу билан бу корхонанинг 6 минг кишидан кўп коллективи техникалар яхши ишламоқдалар, улар январь ойининг ишлаб чиқариш планини бу йил ҳам 102 процент қилиб бажардилар. Корхона коллективи хом ашё, материал ва энергия тежаш соҳасида ҳам катта-катта муваффақиятларга эришди.

«Видеотон»да ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди

БУДАПЕШТ. Венгрия электрон саноатининг пешқадам заводи «Видеотон» савдо тармоқларига ҳар йили 300 мингдан кўп оқ-қора ва рангли тасвир кўрсатадиган сифатли телевизор, радиоприёмник ва кучайтиргичлар чиқармоқда. Корхонани ривожлантириш борасида яқинда қабул қилинган перспектив программа беш йиллик охиригача «Видеотон» маҳсулот ишлаб чиқаришини 1,5 баравар кўпайтиришни кўзда тутади.

Бу заводнинг фирма белгиси 52 мамлакатда яхши маълум. Совет Иттифоқи унинг энг катта буюртмачиларидан биридир. Масалан, Венгрия шу беш йилликда СССРга 300 миллион сўмлик электрон-ҳисоб машиналари ва шу машина деталларини юборади. Шу нарсаларнинг кўпчилиги «Видеотон»да ишлаб чиқарилади.

ЯНГИ ПОЙТАХТ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

ЛАГОС. Нигериянинг янги пойтахти — Абужа шаҳри қурилиши қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача уч мингдан кўпроқ турар жой бинолари қад кўтарди, коммуникациялар, сув таъминоти системаси ўтказилди, электр станцияси қурилди. Давлат муассасалари учун мўлжалланган 900 дан зиёд бино қуриб битказилмоқда. Пилига бир миллион пассажир ўтказиш қобилиятига эга бўладиган халқаро аэропортнинг биринчи навбати ишга тушади.

Абужани ва унга туташиб кетган территорияни ривожлантириш эҳтиёжлари учун бу йил салкам 300 миллион найр маблағ ажратилади. Бу маблағлар капитал қурилиш объектларидан ташқари 200 дан кўпроқ бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўқув юртлари, 32 та соғлиқни сақлаш маркази, спорт комплекси ва дам олиш жойларини барпо этиш учун сарфланади.

Саноат корхоналари пойтахтдан бир неча километр нарида жойлашган йўлдош шаҳар —Гвагвалададa қурилади. Шундай қилиб, Абужа ва унинг яшил зонаси саноат чиқиндилари билан ифлосланишдан халос бўлади.

Янги пойтахт учун Абужанинг танлаб олинганлиги бежиз эмас. У мамлакат марказида шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа қараб кесиб ўтадиган йўллар чорраҳасида, роҳатижон иқлим шароитли эгалланмаган ерлар районида жойлашган бўлиб, келгусида шаҳар территориясини кенгайтириш имконини беради.

Шаҳар қурилиши босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда қурувчиларнинг бутун кучғайрати ҳукумат муассасалари комплексини қуриб битказишга қаратилган. Президент маҳкамасининг ва бир қанча министрликларнинг янги пойтахтга кўчиб келиши шу йил сентябрь ойига белгиланган.

В. КРЮКОВ.

Хроника, хабарлар, фактлар

ЛОНДОН. Англиялик тадқиқотчилар Рональд Файнес ва Чарлз Вертон ўзи юрар ченада шимолий қутбга етиб боришга қарор қилдилар. Жасур саёҳлар Грант ярим оролида Канаданинг чоғроқ Нью-Алерт посёлкасидан узоқ сафарга жўнаб кетдилар. Саёҳлар март ойининг ўрталарида маррага етиб боришни мўлжалламоқдалар.

* * *

ВЕНА. Тоғлардан чанғида тушишда хавфсизлик қоидаларини, шунингдек қор кўчкиси бўлиши тўғрисидаги огоҳлантиришларни назар писанд этмаслик ҳар йили Австриянинг тоғли районларида юз берувчи 12 минг бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабабчилари бўлмоқда. Шу қишки мавсум мобайнида бу оммавий спорт тури ҳаваскорларидан 20 киши нобуд бўлди.

Январь ойининг охирида Альп тоғидаги Залсберг шаҳри яқинида энг даҳшатли халокатлардан бири рўй берди. Чанғида саёҳатга чиққан мактаб ўқувчилари группаси устига тўсатдан қор кўчкиси ёпирилди. Шулардан кўп метрли қор уюми тагидан 5 кишини кутқариб қолиш мумкин бўлди, қолган 13 киши нобуд бўлди.

* * *

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО Р. О. Бу ерда бўлиб ўтган, аньанавий карнавал оқибатида 150 га яқин киши нобуд бўлди, қарийб 11,5 минг киши касалхонага келтирилди. Полициянинг хабарига кўра, Бразилиядаги аньанавий байрамнинг ана шу қатнашчилари йўл-транспорт ходисаларидан, офтоб уруши ва жиноятчиларнинг ҳужумларидан жабрланганлар. Карнавал кунларида 40 га яқин бандит жиноят қилиб турган жойида қамоққа олинган.

Малининг бойликлари

БОМАКО. Мали геология ва шахталар бошқармасининг бош директори С. Диалло бу ерда ғазиб, фойдали қазилмаларни разведка қилиш — 1981—1985 йилларда Малини иқтисодий ва социал-ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бирида, деб айтди. Мамлакатда олиб борилаётган геологик разведка ишлари Мали саноатини хом ашё ва энергия ресурслари билан олтин ва олмос конларини ишлатиш эса давлат ҳазинасига чет эл валютаси билан даромад келтиришга даъват этилган.

С. Диалло Калан районидаги олтинли қатламлар энг истиқболли деб атади. Бу ерда ҳозир СССРнинг ёрдами билан кон очилляпти. Бу районни электр энергияси билан таъминлаш учун бу ерда электр линия қуриш мўлжалланади. Линия Калан билан Селинге шаҳарларини боғлайди.



АҚШ. Мамлакатнинг бундан 134 йил муқаддам асос солинган, энг кенса «мустақил» газеталаридан бири «Филадельфия буллетин» эндиликда чиқмайдиган бўлди. Америкаиинг ушбу нашри бошқа бир қатор тенгдошлари қатори газета трестлари билан рақобатга чидай олмади. Натижада ишсиз қолган 2 минг малакали ходим «ортиқча кишилар» армиясига келиб қўшилди.

СУРАТДА: ўз ўртоқлари каби ишсиз қолган газета ходимларидан бири «Буллетин»изим кутқарингг!» деб мурожаат қилмоқда.

АП—ТАСС фотоси.

10 Справкалар бюроси ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. ТОЖИЕВ, Э. САЪДИЕВ: **Бизлар уруш пайтида, армияда хизматда бўлганмиз. Айтингчи, бизларга Улуғ Ватан урушн қатнашчиси гувоҳномаси берилиши керакми?**

Жавоб: Улуғ Ватан урушн қатнашчиси гувоҳномаси берилиши билан боғлиқ барча масалалар юзасидан ўзларингиз истиқомат қилиб турган район ҳарбий комиссариатига бориб учрашишингизни маслаҳат берамиз.

* * *

Б. АҲРОРОВА: **Паспорти йўқотиб қўйилган магнитофонни комиссион магазинларига топшириш мумкинми?**

Жавоб: «Ташкомиссионторг»дан бизга хабар қилишларича паспортлари йўқотиб қўйилган магнитофонлар комиссион магазинларида қабул қилиб олинмайди. Бинобарин шундай бўлган экан, бу масалада Навоий кўчасидаги 14-ихтисослаштирилган комиссион магазинига мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

З. НУРМАТОВ, А. АСАДОВ ва бошқалар: **Бизларга эр-хотининнинг биргаликдаги умумий мулки ва ана шу мулкни қандай қилиб бўлиш мумкинлиги тўғрисида маълумот берсангиз.**

Жавоб: Маълумки, эр-хотининнинг никоҳ давомида орттирган мулклари — уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр-хотиндан бири уйрўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлгани ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақига эга бўлмагани тақдирда ҳам, эр-хотин ўша мулкка нисбатан баб-баравар ҳуқуққа эга бўлади.

Никоҳ давомида орттирилган мулк, гарчи эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган бўлса ҳам, эр-хотининг ҳар иккаласига тегишли ҳисобланади.

Эр-хотининнинг биргаликдаги умумий мулки бўлинганида уларнинг ҳиссалари тенг ҳисобланади. Айрим ҳолларда, суд вояга етмаган болаларнинг манфаатларини ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга сазовор манфаатларини ҳисобга олиб, эр-хотинга тегишли ҳиссани тенг қилиб белгиламаслиги ҳам мумкин. Эр-хотиндан бирининг ҳиссаси алоҳида ҳолларда, жумладан эр ёки хотин ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаган ёхуд умумий мулкни онла манфаатларига зид тарзда сарфлаганида кўпайтирилиши мумкин.

Мулкни бўлишда суд эр-хотининнинг ҳар бирига қандай буюмлар берилиши кераклигини белгилайди. Агар эр-хотиндан бирига унга тегишли ҳиссадан ошиқроқ қийматга эга бўлган буюм бериладиган бўлса, иккинчисига тегишли ҳиссанинг фарқи пул бараварида ундирилиши мумкин.

Никоҳдан ажралган эр-хотининнинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаблари учун уч йиллик даъво муддати белгиланади.

* * *

М. ЭШЖОНОВ: **Мен картинг ва мотоспорти билан шуғулланмоқчи эдим. Шу хусусда қаерга мурожаат қилсам бўлади?**

Жавоб: Бу масалада Сиз район спорт-техника клубларига учрашишингиз мумкин. Бундан ташқари ДОСААФнинг республика бирлашган техника мактаби ҳам бор. Бу мактаб 1-Олтинтепа проездидаги 37-«а» уйда жойлашган.

* * *

А. МИРУСМОНОВ: **Муқовалари эскириб кетган китобларнинг муқоваларини янгилайдиган цех борми?**

Жавоб: Тошкент «Сервис» фирмасининг муқовалаш цехига бу масалада мурожаат қилишингиз мумкин. У Лисунов кўчасининг 1-кварталидаги 8-«а» уйда жойлашган. У ерга 29-трамвайда борилади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁКУБОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
12 МАРТ, 1982 й.

ҲАМДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

Тез орада Тошкентда уч қитъа вакиллари йиғилишади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг еттинчи кинофестивали бошланади. Яна «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида уч қитъа киносанъаткорларининг янги киноасарлари кўрикдан ўтади, иҳодий мунозаралар, суҳбатлар, учрашувлар бўлиб ўтади, ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

Халқаро Тошкент кинофестивалларн ҳам географик, ҳам ишгирок этаётган қатнашчилари сони, ҳам уларда намойиш этилаётган фильмлар савияси, ҳам умумбашарий ғоялари жиҳатидан бири иккинчисидан тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Тошкент VI Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрик хатида ҳам яққол кўрилганди: «Кино арбобларининг Совет Ўзбекистони пойтахтидаги учрашувлари жамоатчилик ўртасида юксак эътибор қозонди ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчилари ўртасида юксак эътибор қозонди ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан қарийб 100 мамлакат вакиллари қатнашдилар», уларнинг сони эса, жами бўлиб 400 кишини ташкил этди. Бешинчи Халқаро кинофестиваль ҳам одатдагидек уч қитъа халқаро дўстлигининг анъанавий санъат байрамига айланди. Фестиваль қатнашчилари фестивалнинг расмий кўригни учун 230 дан зиёд бадиий, қисқа метражли ва ҳужжатли фильм тақдим этишди. Уларда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг турмуши, бугунги ҳаёти, кураши ва режалари, истиқболига интилишлари ҳаққоний акс этганлиги кенг жамоатчилик ва киномухлисларини мамнун этди. Мазкур V Халқаро Тошкент кинофестивалида уч қитъа мамлакатлари, Совет Иттифоқи республикаларидан ташқари тўрт миллий ташкилот—БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик Ташкилоти ва Чили ватанпарвар кучлари ҳам фестивалнинг расмий қатнашчилари сифатида иштирок этдилар. Фестиваль ҳар галгидек «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиорига тўла жавоб берган ҳолда, кўтаринки руҳда ўтди. Шунинг учун ҳам СССР кинематографчилари союзи правлениесининг секретари Лев Кулижанов шундай деган эди: «Осиё ва Африка, Европа ва Америка кино усталари Тошкентга фақат фильм кўриш учун эмас, тажриба ва гоя алмашиш, дўстона мунозаралар учун келадилар».

Бундан икки йил муқаддам ўтган Халқаро Тошкент VI кинофестивали олдинги фестивалларлан кўра сезиларли даражада юксак савияда ўтди. Унда Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатларининг 62 мамлакатидан 500 вакил қатнашди. 200 дан зиёд бадиий, ҳужжатли ҳамда илмий-оммабоп картиналар фестиваль экранини безади. Тошкент Халқаро III кинофестивалида Осиё ва Африка мамлакатларидан ташқари БМТ ва ЮНЕСКО халқаро ташкилотлари, шунингдек 20 мўғмон мамлакат — (Лотин Америкасидан 8 мамлакат, Европанинг 7 социалистик мамлакати ва Англия, АҚШ, Франция, Швейцария, ГФР) қатнашди, жами 68 мамлакатдан делегациялар келди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг сони эса 313 кишини ташкил этди. Бу рақамлар Халқаро Тошкент IV кинофестивалига келиб янада ошди. Унда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан қарийб 100 мамлакат вакиллари қатнашдилар, уларнинг сони эса, жами бўлиб 400 кишини ташкил этди. Бешинчи Халқаро кинофестиваль ҳам одатдагидек уч қитъа халқаро дўстлигининг анъанавий санъат байрамига айланди. Фестиваль қатнашчилари фестивалнинг расмий кўригни учун 230 дан зиёд бадиий, қисқа метражли ва ҳужжатли фильм тақдим этишди. Уларда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг турмуши, бугунги ҳаёти, кураши ва режалари, истиқболига интилишлари ҳаққоний акс этганлиги кенг жамоатчилик ва киномухлисларини мамнун этди. Мазкур V Халқаро Тошкент кинофестивалида уч қитъа мамлакатлари, Совет Иттифоқи республикаларидан ташқари тўрт миллий ташкилот—БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик Ташкилоти ва Чили ватанпарвар кучлари ҳам фестивалнинг расмий қатнашчилари сифатида иштирок этдилар. Фестиваль ҳар галгидек «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиорига тўла жавоб берган ҳолда, кўтаринки руҳда ўтди. Шунинг учун ҳам СССР кинематографчилари союзи правлениесининг секретари Лев Кулижанов шундай деган эди: «Осиё ва Африка, Европа ва Америка кино усталари Тошкентга фақат фильм кўриш учун эмас, тажриба ва гоя алмашиш, дўстона мунозаралар учун келадилар».

Бундан икки йил муқаддам ўтган Халқаро Тошкент VI кинофестивали олдинги фестивалларлан кўра сезиларли даражада юксак савияда ўтди. Унда Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатларининг

КИНО

12 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕЛЕНА ОБРАЦЕВА КУЙЛАЙДИ» — **Дружба.**

«МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ» — **Искра.**

«АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР» — **Нукус.**

«БЎЙСУНМАСЛАР» — **Восток.**

«ОХИРГИ СЎЗ» — **Москва.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ФИДОЙИ» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЕЛ» — **Қозоғистон,** (18, 21.00 телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.30, телефон 78-47-25), **Дружба** (17, 20.00 телефон 66-15-75), **Санъат саройи** (кичик зал 17, 19.30, телефон 44-39-51).

«ҒАЛАТИ АЕЛ» — **Қозоғистон** (17, 20.00), **Дружба** (18, 20.30).

«34-ТЕЗЮРАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

13 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ» — **Искра.**

«ОХИРГИ СЎЗ» — **Москва.**

«БЎЙСУНМАСЛАР» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЕЛ» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00), телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.30, телефон 78-47-25), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00, телефон 66-15-75), **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30 17, 19.30, телефон 44-39-51).

«ҒАЛАТИ АЕЛ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00), **Дружба** (12, 15, 18, 20.00).

«34-ТЕЗЮРАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 14 март соат 15.00 да СССР КУБОГИ УЧУН «НЕФТЧИ» (Боку) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 МАРТ СОАТ 19.00да

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ «ЁЛҒОНДАН ЁВҒОН ЯХШИ» ЭСТРАДА ТОМОШАЛАРИ

(2 бўлимдан иборат)

Сценарий муаллифи — Аббос МУҲИДДИН.

Қатнашадилар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ноила НУРМУҲАММЕДОВА, Санобар РАҲИМОВА, Розия НАЗАРОВА, Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ўсар ЮСУПОВ, Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари — Рустам МАМАТМУРОДОВ.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ 17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ

(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй)

ОБУНА НАШРЛАРИГА

ОБУНА ЎТКАЗАДИ

Я. КУПАЛА — 3 томли. 1 сўм бай пули тўланади.

Я. КОЛАС — 4 томли. 1 сўм бай пули тўланади.
А. БАРТО — 4 томли. 1 сўм бай пули тўланади..
М. ПРИШВИН — 8 томли. 1 сўм бай пули тўланади.

Обуна ўйинида қатнашишни истаганлар 13 март соат 10.00 дан 18.00 гача олдиндан рўйхатга ёзилишлари мумкин.

Ўйин 14 март соат 10.00 да ўтказилади.

Обуна пайтида маҳаллий пропискага эга бўлган паспорт бўлиши шарт.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари 14 март — якшанба куни соат 11.00 дан 13.00 гача рўйхатга ёзилиб, соат 13.00 да бўладиган ўйинда қатнашишлари мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«34-ТЕЗЮРАР ПОЕЗД»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи — В. ИВАНОВ (А. Малюков иштирокида).

Режиссёр — А. МАЛЮКОВ.

Ролларда: А. ДУРОВ, А. МАСЮЛИС, А. РИШЧЕНКОВ, И. ПЕЧЕРНИКОВА ва бошқалар.

Бу ўткир сюжетли фильм замондошларимиз— кутилмаган тасодиф вақтида шижоат ва мардлик намунасини кўрсатган совет кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

...Ярим тунда йўлда олисга қатновчи поездда ёнгин чиқади. Фильм қаҳрамонлари — темирйўлчилар ва йўловчилар жасурона дадил ҳаракат қилиб, кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.



МЕҲМОНДЎСТЛИК МАКТАБИ

«Ресторан ёки кафенинг таом келтирувчи ходими», — изоҳли луғатда «официант» сўзи шундай тушунтирилган.

Бунчалик осон иш йўқдай туюлади. Бироқ, бу касб унчалик осон эмас. Яхши хизмат кўрсатиш — бу хўранданинг сўзларини очиқ-кўнгиллик ва сабр билан тинглаш, таом ва ичимликларни мувофиқлаштиришнинг энг яхши йўлини кўрсатиш, уларни чиройли столда жойлаштира билиш демакдир. Бунинг учун официант кулинария, этика, эстетика, психология соҳаларида зарур билимга эга бўлиши лозим.

Ушбу зарур ва қизиқарли касбни ўрганишни истаганларни «ЗАРАФШОН» мактаб-ресторани қошидаги

ОЛТИ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Официантлик курсларига 10—11 синф ҳажмида маълумотга эга, 18 дан 25 ёшгача бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинадилар. Тошкентда доимий прописка бўлиши шарт.

Ўқиш рус тилида олиб борилади. Курсларнинг тингловчиларига 50 дан 60 сўмгача миқдорда стипендия тўланади. Курсларни тугатгач, битирувчилар 3-разрядли официант малакасини оладилар ва шаҳар кафелари ҳамда ресторанларига ишга юбориладилар.

Официантлик курсларига қабул қилиш масаласи бўйича Тошкент ресторанлар трестининг кадрлар бўлимига: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 22«а»-уй (3, 2, 6, 11, 14-троллейбуслар; 12, 3, 77-автобусларнинг «Педагогика институти» бекатига мурожаат қилинг).

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ.

МАЗАЛИ, ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ

БИРИНЧИСИГА — ШЎРВА

Таомларимизни биринчи навбатда дастурхонга тортилувчи шўрвасиз тасаввур этиш қийин. Бу қадимий анъанани медицина ҳам жуда мақбул топади, яъни шўрва ичиш фойдалидир: у иштахани очади, зотан бу исътемол қилинган овқатнинг яхши ўзлаштирилишига кўмаклашади.

Агарда сиз шўрва-концентратларни етарли ғамлаб қўйган бўлсангиз гурунч, вермешел ва жавдари шўрва тайёрлаш учун ҳали оз вақт сарфлайсиз. Уларнинг таркибига аъло сифатли гурунч, макарон маҳсулотлари, мой, туз, муруч, мазали дориворлар, сабзи, пиёз, кўкатлар кирган.

ДЕСЕРТ КИСЕЛЛАР

Мева-чеваларнинг фойдасини ким ҳам билмайди, дейсиз. Уларнинг таъм хоссалари ва озуқа қийматини ҳеч ким инкор этмайди. Мева ва сабзавотлар ўз таркибидаги витаминлар, органик кислоталар, минерал тузлар туфайли организмда модда алмашувини яхшилайди.

Қишда, қайсики таомни янги чиққан мева-чевалар билан хилма-хил қилиш имконияти кам бўлган вақтда янги мева-чевалардан тайёрланган киселларни кўпроқ менюга киритишга ҳаракат қилинг.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН МЕНЮ

Тўлақонли овқатланиш-кичкинтойларнинг саломатлиги, яхши ривожланиши гарсвидир. Қаймоқ, ўсимлик ёғи, пархез ун ва қанд, шунингдек витаминлар ва минерал тузлар қўшиб энг юқори сифатли сигир сутидан тайёрланган сут қоришмалари ўз таркиби жиҳатдан кўкрак сутига жуда яқин туради. Сут қоришмалари жавдар ва гурунч уни қўшиб тайёрланади.

Концентрланган шўрва, кисел ва сут қоришмаларини сиз қуйидаги магазинлардан ҳарид қилишингиз мумкин:

2—Беруний кўчаси, Марказ—27, 1-уй;
4—Марказ-13, 8-уй;
5—Марказ—15, 13-уй;
10—Марказ—14, 7-уй;
36—Каблукова кўчаси (трамвайнинг сўнгги бекати)
60—Оқтепа майдони;
74—У. Юсупов кўчаси, 80-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.



Тошкент шаҳар гражданлари, муассасалар, корхоналар ва бошқа ташкилотлар

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область матлубот жамнятининг область тайёрлов-сотиш базаси

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЙЕРЛОВ ДЎКОНЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

жун, тери, момиқ-мўйна хом ашёлари ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари.

Ҳақ тўлаш прейскурант баҳоларга кўра амалга оширилади.

Момиқ-мўйна хом ашёлари топширувчи алоҳида гражданлар билан шартнома тузилади ва уларга концентрланган озуқа, сим тўр, мотоцикллар ва бошқа ашёлар ажратилади.

Тайёрлов пунктлари ОКТЯБРЬ, ОЛОЙ, ГОСПИТАЛЬ бозорларида жойлашган.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Саъдий кўчаси, Прохладний проезди, 2-уй. Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

1—ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

трамвай ҳайдовчиларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ҲАР ОЙДА 70 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Трамвай ҳайдовчилари 50 процент ҳақини тўлаб (3 ой ичида) иш кийимини оладилар.

Ўқувчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Депо қошида ёшлар учун ётоқхона, болалар боғчаси, ясли, дам олиш зонаси мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 50-уй (1-трамвайнинг «Депо» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йилига

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автомобиль кранининг ҳайдовчиси, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар (3 классли) «С» категориядаги гувоҳнома олиш учун ўқийдилар;

автослесарь, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер ҳайдовчиси, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, сантехник, электр слесарь, электр пайвандловчи.

Ўқиш муддати: 10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар учун 6 ойдан бир йилгача, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса — 3 йил.

10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия, сантехник ва электр слесарлар—65 сўм, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар исталган олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берадиган ихтисослик ва ўрта маълумот бўйича диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта ўқув юртларига имтиёзли шароитларда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш вакти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ёғоч ўймакорлиги, фото тўгараклари, вокальчолғу ансамбли ва бошқалар ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, справкалар: турар жойдан, медицина (286-форма), автомобиль крани ҳайдовчилари автомашиналар ҳайдаши учун 6 та фотосурат (4х5 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинмоқда.

Адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй, (48-автобус, 23, 27, 10-трамвайлар, 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати. Телефон 41-38-22.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

12 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» программаси

18.35 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Ҳимоя учун сўз». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Даниядан олиб кўрсатилади. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Совет композиторларининг қўшиқларини Митчел ижро этади. (Испания).

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

16.20 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.45 «Ерда, осмонда ва денгизда». Автомодель спорти ҳақида. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 М. Равель. «Вальс». Хореографик поэма. 21.00 СССР халқларининг V қишки спартакиадаси. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». Кўп серияли телевизион спектакль. 4-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қуёнча Петянинг дўстлари билан хайрлашуви». «Қуёнча Петя ва ўрмон ошхонаси». Болалар учун мультфильмлар. 18.30 «Ешлик» — студияси кўрсатади. «Биз— 80 йиллар комсомолларн». 19.00 «Ҳаёт каби тирик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Замин— бизнинг бойлигимиз». 20.05 «Айкулаш». Фильм-концерт («Ўзкинохроника» 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Генерал жаноб олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 3-серия. 00.10 Янгиликлар.

13 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «АБВГДейка». 10.15 Ч. Диккенс. «Эдвин Друд сири». Кўп серияли телевизион спектакль. 4-серия. 11.50 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.20 «Спортлото»нинг 11-тиражи. 12.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.55 Архангельс, Ленинград ва Мурманск областлари бадиий коллективларининг чиқиши. 13.15 «Уч бор туғилган». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Қаҳрамон— шаҳар Севастополь ҳақида («Экран»). 14.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 14.30 «Мўъжизасизмўъжизалар». 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Болалар учун қисқометражли телевизион бадиифильмлар программаси: «2-балик қасоскорлар», «Ҳамма нарсадан хабардор дўстим Кнаҳон «Салом, Пушкин». 16.45 «Прооламида». СССР Фанлар актимиясининг йиллик йиғилиш». 17.30 Сиёсий шарҳловчи Л. Вознесенский суҳбати.

18.00 Янги мультфильм премьераси. 18.10 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 18.40 «Иванов». М. Горький номли СССР Москва бадиий академик театри фильм-спектаклининг премьераси. А. П. Чехов пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. Спорт рақслари. Эркин программа. Даниядан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соглом бўлай десанг». 9.25 «Қўлбола ўрмон». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев). 9.45 «Тонгги почта» музикали программа. 10.15 Адабий ўқиш. Б. Горбатов. «Катта сув». 10.55 Чувашистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 11.55 Ҳужжатли экран.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

13.05 «Республиканинг бир куни». Репортаж. 13.45 «Тоғлар ва водийлар тароналари». Санъат усталарининг концерти. 14.30 «Кинопанорама». 16.30 Ишчи ётоқхонаси. Телевизион ҳужжатли фильм. (Боку) 16.45 «Музикали киоск». 17.15 «Здоровье» илмий-оммабоп прграммаси. 18.00 Москва. Консерваторилнинг катта зали. Концерт. 20.00 «Эрмитаж». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро обзор». 21.00 СССР халқларининг V қишки спартакиадасида. Красноярскдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида Д. Кугультинов поэзияси кечаси.

Узбекистон телевидениесининг программалари

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Тўёна». Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 11.25 «Шодлик тароналари». Фильм-концерт. 11.40 «Кинопублицист экрани». 12.30 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. 13.00 «Гамлет». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.00 «Шоиралар— болаларга». Корней Чуковский. Туғилган кунининг 100 йиллигига. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дилда баҳор ўйнади». «Адабий-музикали композиция». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Экишга ҳамма нарса шайми?». 22.25 «Генерал жаноб олийларининг адъютанти». Бадиий фильм. 4-серия. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63.66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54.19. фан. мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56.81; ахборот—33-28.95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33.29.70; эълонлар бўлими —33-81.42; нашриёт диспетчери 32.78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90.50.

12 МАРТ, 1982 й. Р—01842. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.